Куни кеча Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида тизимдаги ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг интилишлари, ташаббусларини қўллаб-кувватлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида навбатдаги маърифий тадбир ўтказилди



Директор маслаҳатчиси Муҳаббат Ибрагимова ташаббуси билан ташкиллаштирилган маърифий тадбирга Тошкент шаҳар Юнусобод жоме масжиди имом-хатиби Талъатжон домла Максуд ўғли таклиф этилди.



Талъатжон домла томонидан келтирилган ибратли ҳикоялар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотгани ва уларни ўз устида ишлашга ундагани қизғин савол-жавоблар чоғи яққол кўринди.



Эслатиб ўтамиз, мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича 2022 йил учун тасдиқланган “Йўл харитаси”га асосан ўтказилди.